

Sodiq Qurbanov*Toshkent islom instituti o'qituvchisi. Qurbanovsodiq8494@gmail.com tel.:97/2308494***Аннотация**

Динимизнинг кўп кўрсатмалари инсонларни бир-бирига ўзаро ёрдам қилишларига, моддий ва маънавий кўмаклашишларига ундайди. Шулардан бири зарур бўлиб қолган кишиларга қарз бериб туришдир. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: “ Қайси бир мусулмон бошқа мусулмонга икки марта қарз берадиган бўлса бир бора садақа қилган каби бўлади”, дедилар¹³.

Калит сўзлар

Қарз, қарздор, ҳақ, ҳақдор, муддат, рибо, чўзиб юриш

Дарҳақиқат, бугунги кунда кўп учраётган муомала турларидан бири, шубҳасиз бу – қарз олди-берди масаласидир.¹⁴ Ўз навбатида тортишувлар, кўнгилхонликлар ва сен-у-менга боришларга ҳам шу сабаб бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас. Шариатимизда бу муомаланинг йўл-йўриқлари қандай? Бу борада қуйида қисқача тўхталиб ўтамиз:

Аввало, қарз бериб туриш Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шарифларда тарғиб қилинган, савобли ва оддий ҳолатларда ихтиёрий амал бўлиб, гоҳида қарз сўровчининг шароитига қараб вожиб, мубоҳ, макруҳ ва ҳатто ҳаром бўлиши ҳам мумкин, чунки, агар қарз сўровчи моддий жиҳатдан ўта танг ҳолатда бўлса имкони бор кишига ёрдам қилиши вожиб (лозим) бўлади, ёки аксинча қарздор ушбу пулларни гуноҳ ва беҳуда нарсаларга сарфлаши маълум бўлса ундай ҳолатларда қарз бериб туришлик ҳаром бўлади¹⁵.

Ҳар қандай нарсаларда ҳам қарз олди-берди қилиш дуруст бўлмайди, фақат пуллар, қиймати ўзгарадиган даражада бир-биридан фарқланмайдиган, тортиб-ўлчанадиган мислий (бир хил) нарсаларда, тухум каби катта-кичикликда бир-бирига яқин саналадиган нарсаларда, бир хил ўлчамдаги қоғоз ва метрланадиган газлама каби нарсалардагина жоиз бўлади. Ҳайвонлар, ўтинлар ва ерлар каби мислий бўлмаган ва катта-кичикликда бир-биридан фарқли саналадиган нарсаларда эса жоиз эмас, чунки бу нарсаларда айнан ўзига ўхшаганини қайтаришни имкони йўқдир¹⁶, зеро шариатимиз усул қондасига кўра охир-оқибатда тортишувга олиб борадиган ҳар қандай ноаниқлик ўртадаги келишувга ҳалал етказди¹⁷. Бизнинг Ҳанафий

¹³ Ибни Можа ва Ибни Ҳиббон ривояти

¹⁴ 6-слайд 1-боб.

¹⁵ Кувайт вақф ва Исломиёи ишлар вазирлиги. “Мавсуъатул Фикҳийя”. 33-жуз. 113.б.

¹⁶ Доктор Ваҳба аз-Зухайлий. Фикҳ ал-исламий ва адиллатух. Дар ул-фикр. Дамашк.

¹⁷ Абу Муҳаммад Маҳмуд ибн Аҳмад ал-Айнӣ. Биноя шарҳул Ҳидоя. Дар ал-фикр. Байрут. 1990

мазҳабимизда манфаатлардан қарз сифатида фойдаланиш мумкин эмас, яъни “мен билан бирга бир кун буғдой ўришгин, ўрнига сен билан бирга бир кун буғдой ўришаман”, ёки “уйингда яшаб турай, ўрнига сен ҳам мени уйимда яшайсан”, дейиш каби¹⁸. Чунки қарз олди-бердиси шариатда ҳаром қилинган рибога йўл очиб қўйиши мумкин бўлган муомала турларидан бири бўлиб, ниҳоятда эҳтиёткорлик ва аниқликни талаб қилади.

Бу келишувда биринчи томон-қарз берувчи киши бераётган қарзидан мақсади фақатгина Аллоҳ таолога қурбат ҳосил қилиш, зарур бўлиб қолган кишиларга беғараз ёрдам бериш ва энг асосийси бу иши орқали ҳеч қандай фойдани кўзламаслиги ёки бирор манфаатга боғламаслиги лозим. Чунки, ҳар қандай фойда келтирадиган қарз рибо (судхўрлик)дир. Шу билан бирга ўзи ҳам зарарланиб қолмаслиги учун уни ёздириб қўйиши, ёки икки гувоҳ ҳозир қилиши, булар бўлмаса қарздори бирор нарсасини гаровга олиб туриши мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳушёрлик барча ишда аъло, хусусан инсонлардан диний тизгин тобора йўқолиб бораётган бугунги кунларда. Зеро, исломда зарар бериш ҳам, зарарланиб қолиш ҳам йўқдир. Гоҳида кишининг ўта ишонувчанлиги, ёки бепарволиги ўзига панд бериб қўйиши ва бунинг натижасида анча зарарланиб қолиши мумкин. Бир ҳаким зот айтадилар: “Инсонни ҳушёрлигидандир бирор бир кишини алдамаслиги ва ақлини мукамаллигидандир уни бирор бир киши алдамаслиги¹⁹”.

Ўз навбатида қарз олувчи ҳам билиши ва риоя қилиши лозим бўлган нарсалар куйидагилардан иборат:

– қарздорлик масъулияти. Бу юкнинг киши зиммасига оғирлиги ва қийинлиги борасида Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан жуда кўп ҳадислар келган. Биз фақат биргина ҳадис билан кифояланамиз. Абу Саъид Худрий розияллоҳу анҳу Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламини: “Аллоҳдан куфр ва қарздорликдан паноҳ сурайман”, деганларини эшитдим дедилар. Шунда бир киши: “Эй Аллоҳни Росули! Қарзни куфрга тенглаяпсизми?”, деди. У зот: “Ҳа”, дедилар²⁰. Бу ҳадисда куфр кишини жаннатдан тўсганидек, қарз ҳам кишини жаннатдан тўсиши мумкинлиги кўриниб турибди. Қолаверса, Ҳабибимизнинг кунлик дуоларида доимо қарздорликдан паноҳ тилаб юришлари бежиз эмас, сабаби бу юк кишини ёлғон гапириш, омонатга хиёнат қилиш ва ваъдага вафо қилмаслик каби мунофиқнинг сифатига олиб келади.

– ўта муҳтож бўлмагунича қарз олмаслиги. Динимизда ёрдамни бу турига тарғиб қилиш билан бир қаторда мусулмонни бор имкониятича киши эшигига қарз сўраб боришдан қайтарилади, чунки бу мусулмонга зийнат бўлган (қаноат) ва ҳаё сифатига

¹⁸ Доктор Ваҳба аз-Зухайлий. Фикҳ ал-исламия ва адиллатух. Дар ул-фикр. Дамашк.

¹⁹ Абдуллоҳ Шибровий. УНВОНУЛ БАЁН

²⁰ Насай ва Ҳоким ривоят қилганлар

зиддир²¹. Бир ривоятда келтирилишича Абу Ҳозим деган киши бир қассобни ёнидан ўтиб кетаётганларида қассоб у кишига: “Гўштнинг яхши жойи қолди, олиб кетинг деди”, У киши: “Пулим йўқ”, дедилар. Қассоб: “Кутиб туравераман (насияга бераман)” деди. Шунда у киши: “Мен учун нафсим кутиб туриши яхшироқ”, дедилар. Демак, киши молу-дунё борасидаги Аллоҳнинг тақсимотига қаноат қилиши ва бўлар-бўлмасга қарз сўрайвермаслиги керак, агар у бермасачи?...

– имкон бўлиши билан қайтариш. Қарздорнинг асосий ғами қарзини тезроқ узиш бўлиши керак ва бу йўлда ҳар қандай ортикча сарф-харажатларга барҳам бериши керак. Бу борадаги низолар мана шу чўзиб юришдан ва яхшиликка кўрнамаклик қилишдан келиб чақади.

Қолаверса, қарздорлик ҳолати фақатгина бир кишидан маълум нарса олишда бўлибгина қолмай, балки киши зиммасидаги адо этиш лозим бўлган ҳар қандай молиявий ҳақлар – сотиб олиб пули берилмаган мато ҳақлари, ижара ҳақлари, бирор нарсани яроқсиз қилгани учун товон тўловлари, жиноят жарималари, ўз вақтида тўланмаган ҳар қандай хизмат тўловларида ва бошқа тўловларда, ҳатто ўз аёлига беришлик лозим бўлган маҳрларда ҳам бўлади ва юқоридаги қарзни бермай, ёки чўзиб юривчиларга бўлган огоҳлантиришлар буларга ҳам баб-баробар тааллуқлидир. Демак, ҳар бир инсон бўйнидаги ҳар қандай қарзни кечиктирмай, ўз вақтида ўташи лозим, акс ҳолда Худо кўрсатмасин дунёдан шу ҳолда ўтиб кетадиган бўлса Аллоҳнинг ҳузурида савоб ёки гуноҳ эвазига ҳисоб-китоб қилинади. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Муфлис (Банкрот) кимлигини биласизларми?”, дедилар. Улар: “Биздаги муфлис на пули бор, на матоси бор кишидир”, дедилар. У зот: “Умматим ичидаги муфлис шундай кишики, қиёмат куни намоз, рўза ва закотлари билан келади ва шу билан бирга кимнидир сўкган, бошқасини бузуқ деб айблаган, кимнингдир молини еган, қонини тўкган ва урган. Уни утқизиб (ҳар бир ҳақдор) унинг яхшиликларидан ўз қасосини ола бошлайди. Агар гуноҳларига қасос олинишдан аввал яхшиликлари тугаб қоладиган бўлса (ҳақдорлар) гуноҳларидан олиб уни зиммасига юкланади, сўнг дўзахга ташланади”, дедилар²². Аллоҳ таоло кечиримли зот. Ўзи хоҳлаган кишидан хоҳлаган гуноҳни кечириши мумкин, лекин бировни ҳақидан қутилиш савобидан бериш билан бўлади, ҳатто савоблари етмай қолиши ҳам мумкин.

8 Муҳаммад Саййид Тантовий. Муамалат ал-бунук ва аҳкамуха аш-шаръийя. Дар ан-наҳда. Миср.1997.

²² Абу Исо Муҳаммад Исо ат-Термизий. Сунан ат-Термизий. Дар ал-фикр. Дамашқ.4-жуз.36-бет.